

Ифторлик ва саҳарлик қилмасдан рўзани улаб тутса бўладими?



14:00 / 22.04.2021 2101

Рўзани улаб тутиш шариатимизда макруҳдир. Бундан мурод рўзани ифторсиз ёки саҳарлик қилмасдан бир неча кун тутаверишдир. Буни фикҳ китобларида «висол рўзаси» деб аталади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари шундай рўза тутганлари билан биз умматларини ундан қайтарганлар.

Имом Бухорий ва Имом Муслимлар қилган ривоятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизлар мендек эмассизлар. Мени кечаси Парвардигорим тўйдирди, чанқоғимни қондирди. Сизлар эса тоқатингиз етадиган амалларни қилинглар» деб марҳамат қилганлар.

Саҳарлик қилишда эса барака бор. Пайғамбаримиз озгина сув билан бўлсада, саҳарлик қилишга буюрганлар.

Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Саҳарлик баракадир, бас, сизлардан бирларингиз бир қултум сув ичиб бўлса ҳам, уни тарк қилманглар. Зеро, Аллоҳ ва унинг фаришталари саҳарлик қилгувчиларга саловот айтурлар», дедилар.

Имом Аҳмад ривояти.